

SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL BASES OF IMPROVING THE MODEL OF GENERAL CULTURAL COMPETENCE OF TEACHERS

Sobirov Bakhtiyor Boypulatovich

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Candidate of pedagogical sciences, associate professor

Annotation: The article reflects the model of developing the general cultural competence of teachers working in the public education system. The analysis also shows the axiological-motivational, conceptual, technological, reflexive and creative levels of development of general cultural competence of teachers working in the public education system, as well as the internal components of communicative competence

Basic concepts: Metacompetitions, general cultural competence model of communicative competence, internal components of communicative competence, processes of development of general cultural competence

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Собиров Баҳтиёр Бойпўлатович

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Педагогика фанлари номзоди, доцент

Аннотация: Мақолада халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг умуммаданий компетенциясини ривожлантириш модели ўз аксини топган. Шунингдек, таҳлиллар асосида халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантиришнинг аксиологик-мотивацион, концептуал, технологик, рефлексив ва креатив даражалари ҳамда коммуникатив компетенциянинг ички компонентлари кўрсатиб берилган.

Аннотация: В статье отражена модель развития общекультурной компетентности учителей, работающих в системе народного образования. Анализ также показывает аксиолого-мотивационный, концептуальный, технологический, рефлексивный и

творческий уровни развития общекультурной компетентности учителей, работающих в системе народного образования, а также внутренние компоненты коммуникативной компетентности.

Таянч тушунчалар: метакомпетенциялар, умуммаданий компетенция модели коммуникатив компетенция, коммуникатив компетенциянинг ички компонентлари, умуммаданий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари

Ключевые слова: метаконкурсы, общекультурная компетенция. модель коммуникативной компетенции, внутренние компоненты коммуникативной компетенции, процессы развития общекультурной компетенции

Халқаро тажрибалар таҳлилидан маълумки, мамлакатнинг глобал инновацион индекс рейтингидаги ўрни фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, инсон капитали ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи-назардан, бугунги кунда миллий ва халқаро майдонда кадрлар малакасини ошириш тизимини верисификация асосида таълим сифатини ошириш, кадрлар компетентлигини ривожлантириш ва замонавий таълим хизматларини диверсификациялаш, педагог кадрларнинг инновацион ва умуммаданий компетентлигини ривожлантириш, уларда меҳнат бозоридаги ўзгарувчан тенденцияларга тезкор мослашиш имконини берувчи метакомпетенциялар (*soft skills*)ни қарор топтириш инновацион иқтисодиёт («innovation-driven economy»)нинг стратегик йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Дунё ҳамжамияти ва давлатлар ўртасидаги турли маданий, таълимий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви таълимнинг ҳамма босқичларида, шу жумладан, малака ошириш тизимида ҳам таълим сифатини оширишга қаратилган педагогик компетенция моҳиятини янги мазмунда кўриб чиқишига ундейди. Параметр – тизим ўлчамини баҳоловчи катталик сифатида қаралар экан, бунда педагогик компетенцияни педагогик ҳодиса сифатида ўрганиш жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Буюк Британиянинг Лондон университети қошидаги Таълим институтида, Германиянинг Бавария аккредитациялаш, сертификатлаш ва сифатни кафолатлаш институтида, Франциянинг Нант университетида, АҚШдаги Калифорния, Огайо, Масачуссетс университетларида, Австралиянинг Вуллонгонг университетидаолиб борилмоқда.


Прогностик ёндашувда педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлиги ёшга оид қобилият ва имкониятлар даражасини аниқлаш; фаолиятни амалга ошириш имкониятлари ва натижаларини касбий компетентлик, фаолиятнинг ушбу турига бўлган психологик тайёргарлик билан интеграциялашувини ҳамда унинг натижалари учун ижтимоий

жавобгарлик даражасини аниқлаш; рефлексив-инновацион ривожланиш имкониятларини белгилаш; касбий ривожланишнинг муайян даражаси таҳлили асосида шахс имкониятларини янада такомиллаштириш жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириш масаласи устун бўлиб келмоқда.

Таҳлиллар асосида халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантиришнинг аксиологик-мотивацион, концептуал, технологик, рефлексив ва креатив даражалари аниқланди. Мазкур даража босқичларининг фаолият талаблари билан ўзаро алоқадорлиги ҳамда мазмунан интеграциясини таъминлаш асосида педагог кадрларнинг эквилибрацион тузилмаси ишлаб чиқилди. Профессиограмма қадриятга оид кўрсатмалар, ўзини ўзи баҳолаш, таҳлил қилиш, рефлексия, касбий ва ижтимоий ўсиш, касбий маҳоратини такомиллаштириш усуллари, коммуникатив кўнилмаларни ташхислаш асосида педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантириш мазмуни ва устувор йўналишларини белгилаш имконини берди.

Маълумки, метакомпетенциялар – касбий, ижтимоий ва когнитив компетенциялар интеграцияси асосида шаклланган шахснинг мустақил ўзини ўзи касбий ривожлантириш жараёни самарадорлигини таъминловчи шахсий сифатлар, мотив ва қадриятлар, қобилиятлар йиғиндисидир. Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларининг умуммаданий компетентлиги функционал компетентликдан фарқли равишда мустақил ҳаракатланиш ва ўзгарувчан меҳнат шароитларига тезкор мослашиш, ўз билим ҳамда кўнилмаларини амалиётта муваффақиятли жорий этиш, инновацион-ижодий ёндашувлар асосида касбий ривожланиш траекториясини янги ривожланиш йўналишлари ва стратегияларини белгилаш, шунингдек акмеологик ривожланиш мотивациясини таъминлаш имконини беради.

Шу жиҳатларни эътиборга олиб, тадқиқотимиз натижалари асосида халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантириш модели ва унинг кластерли тузилмаси коллaborativ, яъни фаолият тури учун таянч ва ёрдамчи компетенциялар ва метакасбий компетенциялар тизими интеграцияси асосида ишлаб чиқилди (2.1-расм).



2-расм. Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг

умумаданий компетенциясини ривожлантириш модели

Ишлаб чиқилган мазкур модель халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагог кадрларнинг умумаданий компетентлигини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизимини касбий фаолият муҳити талаблари ва устувор йўналишлари мазмуни билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга қаратилган интеграциялашган ижтимоий-таълим муҳитини ифодалайди.

Тавсия этилаётган компетенциялар модели педагог кадрларнинг касбий фаолият доирасидаги аниқ вазифаларни муваффақиятли бажариши учун зарур бўлган тайёргарлик даражасини таъминловчи компетенциялар мажмуи ҳисобланади. Компетенциялар кластери эса мазмун ва моҳият жиҳатидан бири-бирига яқин ва ўзаро алоқадорликдаги компетенциялар тизимини гурухлаштирилган кўринишидан иборат. Айнан педагог кадрларнинг умумаданий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида моделнинг

кўлланилиши кадрларнинг соҳага оид компетентлигини баҳолаш, ривожлантириш ва бошқариш стратегияларини белгилаш имконини беради.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган компетенциялар моделининг кластерли тузилмаси сифатида ижтимоий-хуқуқий, шахсий, коммуникатив (лингвистик), АҚТ, рефлексив каби компетенциялар кластеридан ташкил топган корпоратив(таянч) компетенциялар ҳамда қасбий-педагогик, бошқарув кластеридан иборат бўлган метакасбий ва коллаборатив (ёрдамчи) компетенциялар белгиланди. Шунингдек, уларнинг конструктив фаолият тури талабларидан келиб чиқувчи хусусий индикаторлар тизими ёритилди. Бунда конструктив фаолият сифатида ўқитувчиларнинг коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Коммуникатив компетенция – ижтимоий вазиятларда энг аввало она тили ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро самарали мулоқотга кириша олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, ижтимоий мослашувчанлик, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатини назарда тутади. Коммуникатив компетенциянинг шаклланганлик даражаси куйидаги компонентлар асосида белгиланади (- расм):

Ўқитувчининг коммуникатив компетенцияси

Жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиши

Ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан түғри қўя олиши ва жавоб бериши

Ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиши, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш

Мулоқотда сухбатдош фикрини хурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила билиши, уни ишонтира билиши; Турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчикларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олиши

расм. Коммуникатив компетенциянинг ички компонентлари

Малака ошириш ихтиёрий бўлган мамлакатларда малака оширишдан бош тортиш ёки хоҳламаслик сабабларидан баъзиларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Германияда ўқитувчилар ўртасида сўровнома ўtkазилганда, кўпчилик куйидаги сабабларни кўрсатган: гурух тўлгани сабабли курс тайёргарлигига рухсат берилмагани (бу сабабни аёллардан 34 фоизи ва эркакларнинг 42 фоизи кўрсатган), оиласидан узоқлашишнинг имконияти йўқлиги (33% ва 14%), узок муддатга кетган ўқитувчини алмаштириш имкони йўқлиги (18% ва 26%), ўқитувчини алмаштириши лозим бўлган ҳамкасларининг ҳаддан зиёд бандлиги (25% ва 21,5%). Бундан ташқари, ҳаддан зиёд касбий ва шахсий бандлик, ўз синфини бирорга қолдиришни хоҳламаслик, қизиқарли таклифларнинг йўқлиги, ўз ҳисобидан малака оширишни истамаслик, масофа узоқлиги, малака оширишнинг бошқача шакл ва методларда ўtkазилиши, малака оширишга алоҳида эҳтиёж йўқлиги, малака ошириш муддатларининг нокулайлиги [94,121-б].

Ривожланган давлатларда ўқитувчиларни кабий ривожлантириш дастурларининг мазмуни кўп киррали, кенгайтирилган тавсифга эга. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган дастурлар хам ишлаб чиқилмоқда. Педагогларда энг кўп қизиқиши АҚТ уйғотиши, анъанавий таълимга ҳам қизиқиши ҳали ўз кучини йўқотмаганлигини кўриш мумкин. Жанубий Корея Республикасида ўқитувчиларнинг қизиқишини ўзига жалб қилаётган соҳа ўқитилаётган фанларнинг мазмуни ва ўқитишиш методларининг умуммаданий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилганилигидир. Бироқ, малака оширишнинг мазмуни жойлардаги таълимнинг эҳтёжларини ўзида акс эттириши, адабиётлар таҳлилларидан маълум бўлди. Бу билан давлат асосий эътиборни таълим соҳасидаги алоҳида миллий муаммолар ечимиға қаратади (Люксембург, АҚШ ёки Германияда – чет элликларни ўқитиши; Германия, АҚШ, Буюк Британия ва Австралияда – истеъододли ўқувчиларни ўқитиши; Швейцария, Польша ва Буюк Британия – ногирон болалар интеграцияси; АҚШ ва Голландияда – интизомни тартибга солиш ва бошқалар) [98,12-б.].

Умуман олганда, таълим ходимларининг малакасини ошириш муаммоси аксарият мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади. Ушбу муаммода ўқитувчининг касбий талаб ва эҳтиёжлари бир томондан, жамият ривожланишининг талаблари иккинчи томондан гавдаланади. Ривожланган мамлакатларда давлат педагог кадрга билими ва қўниқмасини янгилаш имконини таъминлайди, бу эса ўқитувчи, ўқувчилар, мактаб ва давлат манбаатларига мос келади. Мазкур мамлакатларда касбий ривожланиши учун маъсулият педагог ва давлат ўртасида тақсимланади.

Хорижий мамлакатлардаги малака ошириш амалиётининг таҳлилига якун ясар эканмиз, мазкур тажрибани бизнинг таълим тизимимиз учун эътиборга эга хусусиятларини ажратамиз: мактаб негизида барча ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши борасида – уларнинг қизиқишилари ва таълим муассасасининг

ривожлантириш дастурига мос келувчи ишларни кучайтириш; мактабларнинг олий таълим ва малака ошириш муассасалари билан фаол ҳамкорлиги, ўқитувчиларни олий таълим муассасалари мутахассислари, ҳокимият органлари, жамоатчилик вакиллари томонидан қўллаб-қувватланиши; малака ошириш шаклларининг хилма-хиллиги; малака оширишда ўқитувчиларни ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; муқобил ва истиқболли ўқитиш шакли сифатида масофавий таълимни малака оширишга татбиқ этиш.

Шундай қилиб, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва таълим тизимига кенг татбиқ этиш, халқ таълими муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш; таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиб, бу вазифаларни ҳал қилишда ўқитувчидан умуммаданий компетентликка эга бўлиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қўрамиз.-Тошкент:Ўзбекистон,2017.-106 б.
2. Абдуллаева Ш.А., Собиров Б.Б. ва бошқалар. Замонавий ўқитувчининг компетенциялари -Тошкент:Комрон-Пресс, 2015,-180 с.
3. Абдуллаева Ш.А. Совершенствование качества образования в системе переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров. -Белгород: Ж.:Практическая психология и педагогика, 2019.-№4. С.-17-20.
4. Абдуллаева Ш.А. Организация работы по воспитанию толерантности в средних общеобразовательных школах Ж.:Замонавий таълим, 2017. №5.-31-35-бетлар
5. Abdullayeva Sh.A.Use of Pedagogical Diagnostic Methods in Secondary Education/ International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol.24, Issue 09,2020 ISSN:1475-7192
6. Abdullayeva Sh.A.Technology Of Perfection Of Knowledge Transfer And Acquisition On The Basis Of Computer Simulation Models. Journal of Computer Sciences and Applications, 2020,Vol. 8, No. 1, 1-4 Available online at <http://pubs.sciepub.com/jcsa/8/1/1> Published by Science and Education Publishing DOI:10.12691/jcsa-8-1-1

-
7. Abdullayeva Sh.A. Use of Pedagogical Diagnostic Methods in Secondary Education/ International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol.24, Issue 09,2020 ISSN:1475-7192
 8. Ахлидинов Р.Ш. Социально-педагогические основы управления качеством общего среднего образования.: Автореф. дис. д-ра пед. наук. – Ташкент, 2002. – 44 с.
 9. Джураев Р.Х. Этапы совершенствования системы образования в Узбекистане.- Ташкент:Зиё, 186 с.
 10. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Управление качеством образования. Монография. - Ташкент:Узбекистан, 2004.-344с.
 11. Тургунов С.Т., Мақсудова Л.А. Управление педагогическими процессами и технологиями. – Тошкент: Sano-standart, 2012. - 48 б.
 12. Шамова Т.И. Управление образовательными системами Текст. / Т.И. Шамова, Т.М. Давыденко, Г.Н. Шибанова. М.: Академия, 2002.-384 с.
 13. Boud, D. [2003], "The move to self-assessment: liberation or a new mechanism for oppression", Youth Studies Australia, 11 (2), 56-59.
 14. British Standards Institute (2002), BS EN ISO 11623: Transportable gas cylinders: Periodic inspection and testing of composite gas cylinders, Author, London, UK.